

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА

Роман жанрининг культурологик қиёфаси 63

С.ҚУРОНОВ

Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси 66

Ф.ДАДАБАЕВА

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси 69

М.ЖҮРАЕВА

Кундош образининг замонавий талқини 72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ

Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар 76

Д.ТУРДАЛИЕВА

Лисоний имконият ва бадиий санъат 79

Н.АБДУЛЛАЕВА

Синтактик градуонимия 84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ

Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни 87

Р.ДЖАЛИЛОВА

Ўрта Осиё меморчилигида нақошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти 92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА

Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш 95

Л.РАХИМОВА

Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари 99

М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ

Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири 101

А.ЭРМАТОВ

Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш 103

Л.БЕГИМҚУЛОВА

Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар 106

М. УСМАНОВА

Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши 108

Ҳ.ЖҮРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА

Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари 111

Н.ТОШЕВА

Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида 113

Г.РОЗИҚОВА

Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида 116

З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХЎЖАЕВА

Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир 118

Ш.АСКАРОВА

Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари 120

М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ

Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти 123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр 126

УДК 811.111

СИНТАКТИК ГРАДУОНИМИЯ

Н.Абдуллаева

Аннотация

Мазкур мақолада замонавий тилшуносликнинг янги тушунчаларидан бири бўлган градуонимиya ҳодисасининг синтаксисда намоён бўлиши ҳақида сўз боради. Бунда синтактик бирликлар ва ҳодисалар орасидаги градуонимик муносабатлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва мисоллар ёрдамида далилланган.

Annotation

Данная статья посвящена изучению синтаксической градуонимии как одного из новых понятий в современной лингвистике. Градуонимические отношения и их особенности рассматриваются в синтаксических единицах и доказаны при помощи примеров.

Annotation

This article is dedicated to the existence of graduonymy, which is considered as one of the modern linguistics' new notions, in syntax. Moreover, graduonymic relations among syntactic units and phenomena, and their peculiarities are investigated; they are proved by some examples.

Таянч сўз ва иборалар: градуонимия, градуонимик муносабат, синтаксис, синтактик градуонимия, сўз, сўз тизмаси, сўз биримаси, синтагма, гап, гап бўлаклари.

Ключевые слова и выражения: градуонимия, градуонимическое отношение, синтаксис, синтаксическая градуонимия, слово, цепь слов, фраза, синтагма, предложение, части предложения.

Keywords and expressions: graduonymy, graduonymic relation, syntax, syntactic graduonymy, word, word chain, phrase, syntagm, sentence, parts of the sentence.

Ҳозирги замон тилшунослиги маълум маънода ўзининг бирмунча салмоқли муаммоларининг ечимини кутмоқда. Мазкур муаммолар фақат бирор-бир атама ёки тушунчани фанга киритиш ва унинг вазифасини ҳамда мазмунини тушунтириб бериш орқали енгилгина ҳал бўлиб қолмайди. Бундай муаммолар тилшуносар олдига кенг қамровли илмий, методологик, фалсафий ва, албатта, амалий тадқиқотлар олиб бориш вазифасини қўяди. Бинобарин, жаҳон тилшунослигига шу каби салмоқли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар турли давр маҳсули бўлишига қарамай, уларнинг бир-бирига бевосита ва билвосита боғлиқлиги умумий ва хусусий тилшуносликнинг янада тараққий топишига хизмат кўрсатмоқда.

Замонавий тилшуносликнинг янги тушунчаларидан бири “градуонимия” (даражаланиш) бўлиб, ушбу илмий термин асосида лисоний бирликларнинг тилдаги маълум бир белгиси ошиб ёки камайиб боришига кўра зидланиши тушунилади.

Тил макросистема сифатида бир қанча микросистемалардан тузилган бўлиб, тил таркибининг ўзи ҳам иерархик тузилишга эга [11.14-15] бўлгани каби ундаги турли сатҳларни тафтиш қилиш жараёнида лисоний

микросистемаларнинг ўзида ҳам даражаланиш ҳодисасини кузатиш мумкин. Градуонимия ҳодисасининг ўзбек тилшунослигига кенг ўрганилиши ва унинг жаҳон тилшунослигига олиб кирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли замонавий тилшуносликда градуонимиянинг тилнинг турли сатҳларида тутган ўрнини ўрганиш муаммоси ўртага ташланди. Бу жараёнда градуонимия ҳодисаси тилнинг фонологик, морфологик, синтактик, лексик ва стилистик сатҳларида бирмунча тадқиқ этилди. Мазкур мақолада айнан стилистик градуонимия ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Грамматиканинг морфология каби бир бўлаги бўлган синтаксис мураккаб тизимни ўзида намоён этади ва у ҳам ўзига хос градуонимик муносабатларга эга. Синтаксисдаги даражаланиш борасидаги илк қарашлар ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилшунослигига ўз аксини топди. Хусусан, ўзбек тилида маънонинг синтактик усул ва воситалар ёрдамида озайтирилиши ва кучайтирилиши ҳақида А.Абдуллаев [1.12-15] ўз мақолаларида ёритиб ўтди. Оралиқ синтактик ҳодисалар хусусида F.Абдураҳмонов, М.Аскарова, А.Б.Абдуллаев ва Р.Сайфуллаева[2]нинг ишларида кўришимиз мумкин. Мазкур ишларда уюшиқ кесимли гапларнинг содда ва қўшма гап оралиғига туриши, боғланган ва

Н.Абдуллаева – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети инглиз филологияси кафедраси таянч докторантни.

ТИЛШУНОСЛИК

эрғашган қўшма гап турлари орасида ҳам боғланиш, ҳам эргашиб хусусиятларига эга бўлган турларнинг мавжудлиги, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар орасида сўзловчи ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг билатерал ҳолда учраши, уюшган гапларнинг содда ва қўшма гаплар орасида туриши каби даражаланишга хос қарашларни топамиз.

Синтаксис тушунчалари ичидаги хусусий градуонимия предикациядаги даражаланиш [9], синтактик номинациядаги даражаланиш [8], синтактик абстракциядаги даражаланиш [3] ва қўшма гаплардаги даражаланиш [7] ҳодисалари ҳақида ёритилган илмий ишларда ўз аксини топган.

О.Бозоровнинг монографиясида синтаксисдаги градуонимия бевосита синтактик алоқа (боғланиш) белгиларида ва гап семантикасида кўриб чиқилган. Хусусан, синтактик алоқа белгиларидағи даражаланиш нопредикатив ва предикатив боғланишлар тизимида: тенг боғланиш (уюшиқлашиш) – тобедошлиқ (қаратқич-қаралмиш, эга-кесим) – тобе-ҳоким (бошқарув, битишув) – ҳоким-тобе / тобе ҳоким (изоҳловчилар: уста Собир / Собир уста) – қоришиқ (гибрид) бирликларда ҳоким-тобелик ва тобе-ҳокимлик (сўз бирикмаси ва қўшма сўзлик белгиларида эга бўлган оралиқ бирликларда) – луғавий бутунликларнинг соф қўшма ва содда сўзларнинг таркибий қисмларига айланиб кетиш ҳолатларида кўринса; гап семантикасидаги даражаланишлар буйруқ гапларда харакатни бажаришга ундашнинг кучайиб бориши: орзу/нийят – истак/хоҳиш – маслаҳат – буюриш; модалликнинг даражаланиши: аниқ бўлишилилк (У келган) – гумон бўлишилилк (У келгандир) – инкор (У келмаган); шахси аниқ, шахси умумлашган гаплар (аниқ) – шахси номаълум гап (гумон) – шахссиз гап (инкор) [4. 104] каби градуонимик қаторларда ўз аксини топган. Мазкур монографиядаги сўроқ гапнинг дарак гапга ўтиб бориши қатори икки аъзоли қилиб берилган: сўроқ гап – риторик сўроқ гап (экспрессив тасдик) [4. 104], ваҳоланки, унга учинчи аъзони ҳам қўшиб қўйиш хато бўлмайди: сўроқ гап – риторик сўроқ гап (экспрессив тасдик) – дарак гап.

Ўзбек тилшунослигига оралиқ синтактик қолиплар масаласи ilk маротаба профессор М.Қурбонова [10.12] томонидан тафтиш қилинди ва унинг асосий хусусиятлари ўрганилди.

Синтаксисда гап билан бирга сўз тизмаси, сўз бирикмаси ва синтагма каби

лисоний бирликлар ҳам ўрганилади. Сўз бирикмаси қолипларининг оралиқ шакллари хусусида “Замонавий ўзбек тили” китобининг иккинчи жилдida аҳамиятга молик фикрлар келтирилган ва улар мисоллар ёрдамида далилланган. Масалан: [Исл қаратқич келишиги + исм^{эгалик} қўшимчаси] умумий қолипи билан Каримнинг китоби сўз бирикмаси орасида кўйидагича оралиқ қолиплар ажратиб кўрсатилган:

1. [От^{қаратқич келишиги} + от^{эгалик қўшимчаси}]
2. [От^{аниқ}_{қаратқич келишиги} + от^{аниқ}_{эгалик қўшимчаси}]
3. [От^{якка}_{қаратқич келишиги} + от^{якка}_{эгалик қўшимчаси}]
4. [От^{атоқли}_{қаратқич келишиги} + от^{турдош}_{эгалик қўшимчаси}]

[6. 281-283].

Синтаксиснинг ўрганиш объектлари ҳам ўзаро даражаланиш муносабатларини намоён қила олиши туфайли уларни ҳам бир градуонимик қаторга жойлаштириш мумкин, бу қаторнинг бошида умумий лексик бирлик – сўзни ҳам қўшиб қўйиш жоиздир:

сўз (қизил) – сўз тизмаси (қизил ва сариқ) – сўз бирикмаси (қизил қалам) – синтагма (қизил қаламни) – гап (Сарвар қизил қаламни синдириб қўйди).

Гапнинг тузилиш жиҳатидан ички турлари ҳам тадрижий ошиб борувчи градуонимик муносабатга эга бўлиб, улар кўйидагича ифодаланиши мумкин:

содда йигиқ гап – содда ёйиқ гап – уюшиқ бўлакли гап – қўшма гап – мураккаб қўшма гап.

Маълумки, гап бўлаклари 5 таркибли классификация қилинади, булар: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол. Уларнинг гапдаги фаоллик белгиси ҳам миқдорий жиҳатдан ўзаро фарқ қиласи. Масалан, кесим энг фаол кўлланилувчи гап бўлаги бўлса, эга ундан кейинги ўринни эгаллайди. Чунки ўзбек тилида гапнинг эгасини кесими орқали ҳам тушуниб олиш мумкин, шу сабабли бу тилда эга эллиптик гап бўлаги ҳисобланади. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ва стилистик градуонимия ҳодисасини чоғиштирган ҳолда чукур таҳлил қиласи Ж.Ш.Джумабаева ўз ишида синтактик градуонимия ҳақида ҳам тўхталиб ўтган бўлиб, унинг фикрича, гап бўлакларининг даражаланиши қўйидаги тартибида акс этади: кесим – эга – ҳол – тўлдирувчи – аниқловчи [5]. Шунингдек, мазкур ишда инглиз тилидаги модаллик гап семантикасига қай даражада таъсир этиши аниқланди ва шу асосда уларнинг ишлатилиш кўламига кўра синтактик сатҳда

даражаланиши кўрсатиб ўтилди ҳамда турли тизимли тиллардаги синтактик градуонимиянинг ўхшаш ва фарқли томонлари тадқиқ қилиниши натижасида ўзбек ва инглиз тилидаги синтактик даражаланиш қатори аниқланди:

Ўзбек тилида: сўз (гап бўлаклари) – сўз бирикмалари – содда гап – уюшиқ кесимли гап – уюшган гап – қўшма гап – матн.

Инглиз тилида: word (*the part of the sentence*) – phrase – simple sentence – sentence with *homogeneous predicate* – compound sentence – complex sentence – text [5. 24].

Инглиз тилшунослигида градуонимия ҳодисасига жуда яқин турувчи иерархик таркибга эга лисоний ҳолатлар ҳақида олим Д.А.Круз ўзининг “Lexical Semantics” китобида баён қиласди. Гапнинг ташкил этувчи қатламлари орасидаги иерархик муносабатни олим қуидаги тартибда жойлаштиради:

sentence level (гап қатлами)

clause level (қўшма ёки мураккаб гапнинг содда гапга тенг қатлами)

phrase level (сўз бирикмаси қатлами)

word level (сўз қатлами)

morpheme level (морфема қатлами) [12. 183].

Синтаксиснинг ўзи ҳам тил сатҳлари билан ўзаро муносабати асосида уларнинг градуонимик қаторидан жой олади, бунда синтаксис морфологиядан кейинги ўринни эгаллайди:

фонология (фонема) – лексика (лексема) – морфология (морфема) – синтаксис (гап).

Демак, градуонимия грамматиканинг икки асосий қисмларидан бири бўлган синтаксисга ҳам хос ҳодисадир. Ундаги умумий ва хусусий градуонимик муносабатлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, булар бевосита синтактик бирликлар орасидаги муносабатларда яқъол кўзга ташланади. Синтактик градуонимияни турли тизимли тилларда тадқиқ қилиш синтаксиснинг асосий тушунча ва тамойилларини янада аниқроқ тавсифлашга асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Риторик сўроқ гаплар эмоционал-экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1974 йил, 5-сон. -Б. 36-39.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида тақрорий гаплар. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1977 йил, 5-сон.
2. Абдураҳмонов Ф. Қўшма гап синтаксис асослари. – Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти. 1958. 325 б.; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Т.: Фан. 1960.; Абдуллаев А.Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. – Т.: Фан. 1978. ; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида дарак гаплар синонимияси. Махсус курс учун материаллар. – Т.: Тошкент Давлат университети. 1989.; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. Докт. дисс. автореф. – Т., 1993.
3. Бердиалиев А. Семантико-сигнификативная парадигматика и синтагматические отношения в конструкциях литературного языка. Автореф. ... доктора филол. наук. – Т., 1989.
4. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш.– Т.: Фан., 1995.
5. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2016.
6. Замонавий ўзбек тили. II жилд. Синтаксис. – Т.: Мумтоз сўз, 2013.
7. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Т.: Фан, 1990; Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка. Автореф. ... доктора филол. наук. – Т., 1991.
8. Маматов М. К вопросу о категории номинализации действия (на материале узбекского языка). // Советская тюркология. -1988. -№ 5.
9. Маҳмудов Н. Иккинчи даражали предикация ва унинг содда гап семантикасидаги ўрни. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1980 йил, 3-сон.; Маҳмудов Н. Предикация ва полупределация. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1982 йил, 2-сон.
10. Неъматов X., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 1-қисм. Лисоний синтактик қолиплар ва валентлик. Филолог талабалар учун қўлланмана. – Т.: Университет, 1999.
11. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М.: Наука, 1972.
12. Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press. 1986.

(Тақризчи: А.Мамажонов, филология фанлари доктори, профессор).